



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 41 (12.602)


Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» очик акциядорлик жамиятининг фаолият юрита бошлаганига 12 йил бўлди.



Ушбу давр ичида корхонада амалга оширилган ишлар алоҳида эътирофга лойик. Жумладан, эллик турдаги янги технологик жихозлар жараёнга самарали татбиқ этилди. Йўловчи вагонларни таъмирлашнинг янги усуллари ўзлаштирилди, янги йўловчи вагонлари, улар учун тележалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Заводада тайёрланаётган маҳсулотлар халқаро андозаларга тўлиқ жавоб беради ва тегишли сифат сертификатига эга.

(ЎЗА)
СУРАТЛАРДА: корхона ишчилари Шухрат Илҳомов, Юрий Ким ҳамда Аваз Тожибоев
Муҳаммад Амин (ЎЗА)
олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Корея Республикаси халқаро савдо уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Форумда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, геология ва минерал ресурслар, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, электротехника, сайёҳлик каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ўринбосари Шавкат Тўлаганов, Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Мустафоев, Корея Республикаси халқаро савдо уюшмаси раисининг ўринбосари Ан Хйунхо мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Президент Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни

янги мазмун билан бойитиб, фаол ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли стратегик ҳамкорларидандир. Икки давлат ўртасида савдо алоқалари борасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро ҳамкорликнинг ўтган даврида Ўзбекистон иқтисодиётига мазкур мамлакат томонидан киритилган сармоянинг умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларида ошди.

Ўзбекистонда Корея Республикасининг 78 фирма ва компаниясининг ваколатхонаси, ушбу мамлакат сармоядорлари иштирокида тузилган 418 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металл қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард АҚШ долларида ошди. Мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳияти, замонавий транспорт коммуникациялари, юртимиздаги қулай сармоявий муҳит кўплаб давлатлар қатори Корея Республикаси ишбилармон доираларининг ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда. Жанубий корейлик бизнес вакилларининг фаол иштироки натижасида юртимизда қатор стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Сурғил» кони негизида Устюрт газ-кимё комплекси барпо этилмоқда, Тошкент вилоятида тўқимачилик мажмуаси ташкил қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан Хоразм вилоятида амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастурига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Наманган шаҳрида инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа институт, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик муассасаларининг саксондан зиёд технология ишланмалари намойиш этилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида қишлоқ хўжалиги техникаларини баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди. Туманлар ҳокимлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, машина-трактор парклари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда Амударё тумани марказий машина-трактор паркида қишлоқ хўжалиги техникаларини баҳорги мавсумга тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўздан кечирилди.

● Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида вилоят шароитида манзарали ва мевали дарахтларни қаламчасидан кўпайтиришни ташкил этиш бўйича кўргазмали семинар ўтказилди. Таълим муассасалари раҳбар ва боғбонлари, соҳага дахлдор ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда ҳар бир фарзанд учун бир туп дарахт кўчати экиш ташаббуси асосида маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасаларида дарахт кўчатлари экиш, уларни қаламчасидан кўпайтиришда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар олим ва мутахассислар томонидан тушунтирилди.

● Фарғона вилоятининг Риштон туманида чекка қишлоқларда ўқувчи-ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, болаларни спортга жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари яқинда фойдаланишга топширилган Оқер қишлоғидаги спорт мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишди.

ЖАҲОНДА

● Йирик микдорда қарз берувчилар талабларининг қатъий бажарилиши ва иқтисодиётни соғломлаштириш йўлидаги сайй-ҳаракатлар самараси ўлароқ кейинги ўн йил ичида илк бор Грецияда бюджет даромад қисмининг харажатлардан 1,24 миллиард еврога ошганлиги кузатилди.

● Таиланднинг марказий қисмида жойлашган Прачинбури музофотидан мактаб ўқувчиларини Паттайя курорт шаҳрига олиб кетаётган автобуснинг ҳалокатга учраши натижасида 15 киши ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг 13 нафари ўқувчилардир. Ҳозирча ҳалокат сабаби маълум эмас.

● Белоруссия пойтахти Минск шаҳрида телефон орқали ҳеч қандай асос бўлмагани ҳолда хавф ҳақида огоҳлантириб, шаҳар метроси ҳаракатининг уч соатга тўхтатилишига сабабчи бўлган 35 ёшли киши қўлга олинди.

Юртимизда баҳор нафаси кезаётган шу кунларда шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва хиёбонларда олиб борилаётган ободонлаштириш, кўпалмазорлаштириш ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбарининг кўни кеча эълон қилинган «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни изчил тарзда ташкил этишда дастуруламал бўлмоқда.

Жорий йилда мамлакатимиз ҳудудларида янги боғ ва гулзорлар барпо этиш ишларини юқори даражада, уюшқоқлик билан ташкил қилиш мақсадида туман ва шаҳарлар марказлари, аҳоли турар жойлари, маҳаллалар, кўчалар чети ва хиёбонларга 40 миллион донадан зиёд ниҳол ва кўчат экиш мўлжалланмоқда. Бунда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, касаллик ва зарарли ҳашаротларга, курғоқчиликка ва шўрланашга чидамли дарахт ва бута навлари танлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инсон ҳамиша табиат билан уйғун бўлишга интилади. Зеро, ота-боболаримиз дарахт экишни савобли иш, деб билишган. Мамлакатимизда кенг кўламли кўпалмазорлаштириш ишларини амалга ошириш учун етарлича шарт-шароит яратилган. Президентимиз Ислам Каримов янги ишчиотлар билан танишиш чоғида кўпалмазорлаштириш ишлари, уларнинг сифати, ландшафт меъморлиги қай даражада жорий этилаётганига алоҳида эътибор қаратади. Мустақиллик йилларида пойтахтимиз ҳақиқий боғ-шаҳарга айланди. Ноёб дарахт навлари — қарағай, мовий ва қумушранг қарағай, оққайин, эман, арча, каштан, жўка, япон софори, акация, бағрянник, заранг каби манзарали дарахтлар пойтахтимизнинг «яшил либоси» безагига айланди.

Шаҳарнинг яшил либоси фақат чирой эмас, саломатлигимизнинг беминнат ҳимоячиси ҳамдир. Боғ

ва гулзорлар чанг-ғуборни камайтириб, ҳавонинг муссаффолигини таъминлайди, одамларга яхши кайфият, эстетик завқ бахш этади.

«Наврўз — 2014»

ЮРТИМИЗНИНГ «ЯШИЛ ЛИБОСИ»

Манзарали боғ ва ўрмонзорларнинг муссаффо ҳавосидан нафас олиш кўплаб касалликларни даволашда, инсон саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўсимлик дунёсининг беминнат хизмати фақат ис газини қабул қилиб, тоза кислородга айлантириб бериши билан эмас, ҳаво таркибидаги кўплаб касаллик тарқатувчи микробларни зарарсизлантириб берувчи фитонцид моддалар ажратиши билан ҳам аҳамиятлидир. Масалан, 100 минг кишилик шаҳар аҳолисининг фитонцид моддаларга бўлган эҳтиёжини бир гектар майдондаги игна баргли дарахтлар (арча, қарағай) ёки минг тупдан ортиқ бошқа турдаги манзарали дарахтлар қоплаши мумкин. Бугунги кунда пойтахтимизнинг 30 фоиз ҳудуди



шифобахш ва ҳавони тозалаш хусусиятига эга бўлган игнабаргли дарахтлар билан қопланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг меъёрларига кўра бу кўрсаткич 15-20 фоизни ташкил этиши керак.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, инсон организмнинг мўътадил ривожланиши учун уни ўраб турган атроф-муҳитда кислород микдори 21 фоиздан кам бўлмаслиги, карбонад ангидрид эса 0,04 фоиздан ошмаслиги зарур. Мувозанатнинг сақланиши об-ҳавонинг муссаффолигига боғлиқ. Чанг атроф-муҳитни ифлослантирадиган зарарли омиллардан бири бўлиб, инсон соғлигининг кушандаси эканлигини улугъ бобомиз Абу Али ибн Сино алоҳида таъкидлаган.

Ҳавога чиқариладиган чанг-ғуборларни, саноат корхоналари, транспорт воситаларидан ажралаётган зарарли газ ва чиқиндиларни тозалаб, инсон учун қулай яшаш муҳитини вужудга келтиришда ўсимлик оламининг ўрни бекиёс. Мисол учун, бир туп терак бир кеча-кундузда 14 метр кубдан 50 метр кубгача ифлосланган ҳавони тозалаб бериш «қуввати»га эга.

— Аҳолининг қурилишбоп ёғоч маҳсулотларига бўлган талаби кескин ошиб бораётгани дарахт кўчатларини кенг миқёсда экишни тақозо этмоқда, — дейди Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи Ҳожимурод Толипов. — Бунда ҳудудлар дарахтларнинг биологик хусусиятлари ҳисобга олинмоқда. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сирдарё вилоятларининг қисман шўрланган, шўрланмишга мойил, суғориладиган ерларида кўктерак, қоратол, жийда, қайрағоч, заранг, шумтол, акация, тикан дарахти (гледичия), бирючина, япон софори, тут, наъма-так каби дарахт ва буталарни эккан маъқул. Шаҳарларда асосан манзарали дарахтлар, чиройли гуллайдиган буталарни маҳсус дизайн асосида экиш тавсия этилмоқда. Тоғли ҳудудларда эса арча, бодом, pista ва бошқа мевали ва манзарали дарахт кўчатлари кўпайтирилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

